O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕК ДАВЛАТИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ЮТУҒИДИР

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 29 июль, № 146 (4045) Шанба

Эл дастурхонига

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан мамлакатимиз пойтахти, вилоят марказлари ҳамда йирик шаҳарлар аҳолисини мева-сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида мавсумий ярмаркалар ташкил этилмоқда. Муҳими, кўрилаётган бундай амалий чоралар бозорларда нарх-навонинг пасайишига ва мўл-кўлчиликка хизмат қилаётир. Аҳоли ижтимоий ҳимоясининг бу шаклидан барча хурсанд.

БОБОДЕҲҚОНГА РАҲМАТ!

Шу кунларда пойтахт бозорларини айланар экансиз, сархил мевалар, тилни ёрар қовун-тарвузларни кўриб, кўзингиз қувнаб, дилингиз яйрайди. Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси Фарғона вилояти миришкорлари етиштирган табиат иноъомларидан, яккасаройликлар Самарқанд тупроғидан баҳра олган сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотларидан баҳра олишмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти шолизорларида пишиб етилган, "Девзира" билан беллашадиган "Авангард", "Элита" сингари гуручлардан пойтахтликлар ва меҳмонлар ош дамлаб, ҳузур қилишмоқда. Бошқа вилоятлар вакиллари ҳам пойтахтимизнинг қатор туманлари аҳолисига намунали хизмат кўрсатаяпти. Табиийки, пировардида кенг жамоатчилик тотли нозне-ъматлар етиштираётган ҳазрати деҳқонга раҳмат айтмоқда.

Маълумотларга қараганда, биргина Тошкент шаҳри аҳолисига мавсумий ярмаркалар давомида 5 минг тонна картошка, 9,5 минг тонна мева-сабзавот, 4 минг тонна гуруч, 1100 тонна гўшт ва 1800 тонна бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади. Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган мажбуриятларнинг деярли ярми бажариб бўлинди ва пешма-пеш мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ноз-неъмат ортилган карвонлар пойтахтимизга кириб келмоқда.

Жиззах вилояти миришкорлари Сирғали тумани аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Эътиборлиси, улар томонидан ташкил этилган ярмарка савдоларида ошкўклардан тортиб, қовун-тарвузгача, чорвачилик маҳсулотигача бор.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик

Ҳар байрамнинг ўз шукуҳи, нуфузи, тадорик тарзи бор. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини қумқўрғонликлар муносиб тўёналар билан кутиб олишмоқда.

ОРЗУ ДАРАХТИ ЯШНАМОҚДА

Бундан бир мунча вақт илгари фойдаланишга топширилган болалар спорт мажмуида зум ўтмай ўндан зиёд катта спорт беллашувлари ўтказилди. «Турон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ва «Сурхон» комбинатида юздан ошиқ қўшимча иш ўринлари яратилди. Ўнта умумий ўрта таълим мактабларида капитал реконструкция ва таъмирлаш юмушлари ниҳоясига етказилмоқда. Нафақат кўча, хиёбонларда, ҳатто ҳар бир ҳовли ва хонадонда ободонлаштириш, саранжом-саришталик тадбирлари ўтказилмоқда. Фермерларнинг, ишбилармонларнинг ҳомийлиги шарофатидан кам таъминланган 100 га яқин хонадон сигирли бўлди.

Қутлуғ байрам арафасида туманда яна бир катта иш ниҳоясига етказилмоқда: Марказий шифохонанинг туғуруқхона мажмуи тубдан таъмирланди. Таъмирга қарийб 500 миллион сўм маблағ харж қилинди. Бу маблағнинг ҳам талай қисмини ҳомийлар ўз зиммасига олаяптилар.

Байрам кайфияти ҳар бир киши қалбида шу юртнинг ободлиги ва озодалиги учун масъулият туйғулари билан чамбарчас боғланиб боромоқда.

— Мустақиллик — бу бизнинг бош байрамимиз. Менинг байрамим. Ёшу қари — ҳамманинг байрами, — дейди «Мирзо Олим» фермер хўжалигининг етмиш яшар бошлиғи Ибодилла Қароров. — Хўжалигимиз бу йил гектаридан 75 центнердан дон хирмони кўтарди. Эллик гектар пахтазоримизнинг ҳар туп ғўзасида 25-30 тадан кўсак бор. Биз ҳар биримиз Мустақиллик байрамига, умуман, юрт фаровонлигига бу менинг улушим, тўёнам деб ўз фуқаролик бурчимизни амалий юмушларимиз билан оқлаб яшамоғимиз лозим.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида Ўзбекистонда хитой киноси кунларининг очилиши бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙ КИНОСИ КУНЛАРИ

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ҳар томонлама, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 3 августигача давом этадиган хитой киноси кунларининг ўзига хос томони шундаки, тадбир дастуридан ўрин олган фильмлар асосан Ўзбекистон телеканалларида намойиш этилади. Айни вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «ТВ Марказ», шунингдек, мингтақавий телеканаллар ушбу тадбирни қўллаб-қувватлаб, Хитой киноси кунлари доирасидаги фильмларни намойиш этиш учун тегишли эфир вақти ажратди.

Уларда намойиш этиладиган «Қаҳрамон», «Шаолинь ибодатхонаси», «Биргаликда», «Осмон ва ер аскарлари», «Янги полиция тарихи» каби бадиий фильмлар Хитойнинг қадимий тарихи, маданияти ва санъати, миллий анъаналари, бугунги куни ҳақида кенг маълумот беради.

Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Жиззах вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва ишлаб чиқаришини кенгайтириши учун тижорат банклари томонидан 143 аёлга имтиёзли кредит берилди.

Берилган маблағнинг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлар улушига тўғри келади: 80 аёл сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари харид қилиш учун микрокредит олди. Саккиз нафар аёлга оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 12 миллион сўм кредит берилди.

Бироқ тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ҳали талаблар даражасида, деб бўлмайди. Айниқса, қишлоқ аёлларини тадбиркорликка жалб этиш ишлари анча сust. Масалан, Бахмал туманида тикиш-бичиш, савдо ва умумий овқатланиш каби соҳаларда элликка яқин тадбиркор хотин-қиз фаолият кўрсатаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг етти нафарига атиги уч ярим миллион сўм кредит ажратилган.

Бахмал туманида ўтган семинарда ана шулар ҳақида сўз борди. Унда сўзга чиққан Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Тўйчиева, Ўзбекистон "Микрокредитбанк" бошқаруви раиси Ж.Сайфиддинов ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаоллигини ошириш борасида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш лозимлигига эътиборни қаратдилар. Бу борада уларга молия муассасалари томонидан бериладиган кўмак ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлди. Унда прокуратура органларининг мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2006 йил олти ойидаги фаолияти якунларига оид масала муҳокама қилинди.

Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари ҳамда қонунлар, прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасидаги ишлари атрофлича таҳлил этилди.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 157 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифасини талаб даражасида бажармаган салкам 74,5 минг мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга қарийб 28,6 мингдан зиёд даъво аризаси киритилди. Аммо фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан қаноатлантирилган ана шундай аризалар бўйича пул маблағларининг ундирилишида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Барча прокурорларга жойларда фуқароларнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақаларининг ўз вақтида тўланиши, одамларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг кафолатланиши борасида йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этиш борасида зарур чоралар кўриш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, суиистеъмолликларга барҳам беришга оид фаолиятнинг самарадорлигини ошириш лозимлиги таъкидланди. Айни пайтда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга оид қонунлар ижроси билан боғлиқ назоратга эътибор янада кучаймоғи даркор.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималардан 26 миллиард сўмдан ортиғининг ундирилгани қайд этилди. Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолларининг олдини олиш, тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш ҳамда давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириш ишларидаги камчиликлар танқид қилинди.

Ўтган давр мобайнида жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди.

Натижада мамлакатимизда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланиб, безорилик, автотранспортни олиб қочиш, ўғрилик, қасддан оғир шикаст етказиш ҳамда маст ҳолда содир этилган жиноятларнинг камайишига эришилди. Шунингдек, диний-экстремизм ва терроризмнинг олдини олишга оид фаолиятни янада кучайтириш, бу жараёнда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговнинг сифатини ошириш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 82 фоизидан кўпроғи қоплангани қайд этилди.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларининг кўрилишида прокурор вакилатини таъминлаш фаолияти асосан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилди. Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, прокуратура органларида фуқаролар ва юридик шахслар қилган мурожаатларнинг 20 мингта яқини ҳал этилган.

Йиғилишда қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Долзарб мавзу

Тажрибалардан яхши маълумки, ғўзанинг биологик талаблари кўнгилдагидек қондирилса, у июль ойидаёқ ҳосилга киради. Ўсимликдаги ўсишга бўлган мойиллик эса ундаги ҳосилнинг камлигидандир. Шу боис, бундай ҳолат кузатилаётган майдонларда ғўзанинг бош поя ва ўсув шохлари учи чилпиб олиб ташланиши тавсия қилинади. Ана шунда озиқ моддалар ҳосил шохларига, ундан эса тугунчаларга ўтади.

ҒЎЗА КУН САНАЙДИ

Яна шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ғўза жуда кўп ҳосил нишоналари пайдо қилиши мумкин, бироқ ёппасига ҳосил тутиш даврида озуқа ва сув етишмаслиги сабабли уларнинг кўп қисми тўкилиб кетади. Бу ҳол июль ойининг биринчи ўн кунлигидан то августнинг бошигача бўлган даврга тўғри келади.

Сифатли чилпилган ғўзада кўсакларнинг пишиши ҳам 5-10 кунга тезлашади, ҳосилдорлик эса гектарига 3-5 центнергача ошади. Бу тадбир қўлда, механизация ёрдамида ва кимёвий усулда амалга оширилади. Механизмларда чеканка қилиш иш унумининг ортишини таъминлайди. Ўз навбатида, қўлда бажарилганига нисбатан ҳаражат ҳам 4 баробарга арзонлашади.

Чилпишнинг кимёвий усули жуда самаралидир. Бу борада тур, компазан, пикс, устикс, со-же-ан каби дорилар қўлланилади. Пикс бошқа препаратларга нисбатан бир қанча афзалликларига эга. У сепилгач, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, мувофиқлашуви кузатилади. Ҳосил эртаги ҳамда мўл бўлиб, тола сифати яхшиланади. Биринчи терим салмоғи 6-7 центнерга ошиб, ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш имкони туғилади.

Пикснинг ўрнини босувчи устикс препарати юртимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, амалда уни қўллашга рухсат берилган. Унинг ижобий таъсири, ўсишни тўхтатиши, пахта ҳосилини кўпайтириши ҳудди пиксга ўхшайди. Лекин ўткир ҳидга эгалиги қўллашда санитария қоидаларига қатъий амал қилиш, эҳтиёт чораларини кучайтиришни талаб этади.

Кимёвий чилпиш учун бу дориларни пуркаш муддати ва меъёри ғўза ривожига ҳамда бош поя баландлигига кўра белгиланади. Энг мақбул муддат ўрта толали ғўза навларида 13-14 ёки 14-15 та ҳосил шохи тўпланганда, ингичка толали ғўзаларда эса 17-18 та ҳосил шохи пайдо бўлганда яхши самара беради.

Препаратлар билан ишлов беришни суғоришдан 6-7 кун олдин ўтказиш самарали ҳисобланади. Пиксдан фойдаланиш меъёри ўсимликнинг бўйига, ривожланиш даражасига қараб гектарига 1,0-1,5 литрни ташкил қилади. Агар ғўза тупи бақувват бўлса, унинг сарфи 2,0 литргача етказилиши мумкин. Бунда сувли аралашма меъёри гектарига 200-300 литрдан ошмаслиги керак. Ишловни тонгги ва кечки маҳал ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Р.НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

ЭКСПОРТ ИМПОРТДАН АФЗАЛ

УНИНГ БАХТИ ЭЛНИНГ БАХТИДА

НАСАФИЙЛАР МЕРОСИ ИЗИДАН

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Тошкент вилояти

Бунёдкорлик замини

Тошкент вилояти замини бағрида ноёб бойликлар ниҳоятда кўп. Бу иқтисодиётни, хусусан саноатни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яратиб беради.

Эътибор қилинг, Тошкент вилояти саноат ишлаб чиқариши бўйича мамлакатимизнинг энг ривожланган худуди ҳисобланади. Бу ерда 1737 та саноат корхонаси мавжуд. Шундан юздан зиёди йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланади. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Аммофос заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати, «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер», «Янгийўлёғмой» каби ўнлаб корхоналарнинг номи мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир.

2001-2005 йиллари вилоятда 5065,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти, 1197,5 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилибди. Саноат маҳсулотининг республика ишлаб чиқаришидаги салмоғи 14-16 фоизни ташкил қилмоқда. Автомобиль йўллари асосий тармоғининг умумий узунлиги 3833 километрга етди.

Кўриниб турибдики, истиқлол йилларида вилоят аҳли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муайян ютуқларни қўлга киритди. Шу ўринда кейинги йиллардаги айрим кўрсаткичларга эътибор қилиш жоиз. Фақатгина 2005 йилнинг ўзида 308 та саноат ишлаб чиқариши ташкил этилган. Айни пайтда улардан 16 таси хорижий инвестиция асосида фаолият кўрсатмоқда. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ўтган йили 2004 йилга нисбатан 13 фоизга ошди. Чакана савдо айланмаси бўйича 4,2 фоиз ўсишга эришилди. Агар 2001 йилда тайёрланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг ҳиссаси 6,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда бу миқдор 16 фоизга ошди. "Бандлик" дастури бўйича шу йилнинг биринчи чорагида 8465 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлса, амалда 10684 та янги иш ўринлари яратилди. Шундан 6910 таси ёки 64,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил қилинганлиги эътиборга сазовор.

Ниҳоят, қишлоқ хўжалигида ер ўз эгасини топганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Амалга оширилаётган ислоҳотлар тобора юз кўрсатмоқда. Вилоятнинг сув манбалари етарли, ери унумдор. Мамлакатимиз раҳбарининг "2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари(ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижроси боис тармоқ ривожи юқори босқичга кўтарилди. Энди ер эгаси ўз келажаги ва истиқболига ишонч билан қараши, изланиши қилаётган саъй-ҳаракатларидан моддий манфаатдор бўлиши учун барча зарур меъёрий ҳужжатларга эга.

Ўртачирчиқлик илғор фермер Аъзам Давлетовни яхши биламан. Кенг мушоҳадали, ниҳоятда саводхон, ўз ишининг устаси бўлган инсон. У жамиятимизда юз бераётган ўзгаришларни теран ҳис қилади.

Истиқлол энг катта имкониятни деҳқонга берди. Энди ҳар бир киши ўз иқтидори, малакаси, салоҳиятига қараб иш юритади, самарага эришади, обрў-эътибор топади. Мақсадсиз, режасиз меҳнат қилишнинг замони ўтди. Мустақиллик неъмати бўлмиш фермерлик ҳаракати ниҳоятда истиқболли эканлигини тобора намоён этаверади.

Фактларга назар ташлаб кўрайлик-чи. Вилоятда бу йил 268000 тонналик ғалла хирмонининг 238000 тоннаси фермерлар даласидан йиғиб-териб олинди. Бу жами ҳосилнинг 76,5 фоизи демакдир. Чиноз туманидаги «Муқимий», «Соф томчи», Оққўрғон туманидаги «Покиза М», «Бурҳон», Оҳангарон туманидаги «Авазхон», Бўстонлиқ туманидаги «Бердиёр», Бекобод туманидаги Абдуҳолиқ Жабборов номли илғор фермер хўжаликлари далаларида ғалла ҳосилдорлиги 60-70 центнерни ташкил этди.

Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзовни ҳозир кўпчилик яхши билади. У мамлакатимиз Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, фермерлик йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. Мамлакатимизда «Энг яхши фермер» номини олган тадбиркор сифатида «Матиз» енгил автомашинаси ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

1993 йили кичик корхона мақомини олиб, иш бошлаган тадбиркор тобора ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. У «Пахтабанк»дан олинган кредит ҳисобига ишлаб чиқаришни энг замонавий техника воситалари билан жиҳозлади. Корхонада ҳозир истеъмолчиларнинг талабига тўла жавоб берадиган 20 хилдан ортиқ колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 20 га яқин киши иш билан таъминланди. Тадбиркор олган даромади ҳисобидан ҳиммат, мурувват кўрсатмоқда. Маҳалла, қишлоқни ободонлаштириш, кўчаларни асфальтлаш, ночор оилаларнинг моддий таъминотини яхшилашга кўмаклашмоқда.

— Шу йил охиригача сутни қайта ишлаш цехини қуриб, ишга туширмоқчимиз. Фермамиздаги чорва молларидан соғиб олинадиган ва маҳаллий аҳолидан харид қилинадиган сут қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда харидорларга тақдим этилади. Бу билан яна энг камида 20 та иш ўрни яратилади, — дейди Мухтор Тўхтаниёзов.

Вилоятда «Тўхтаниёз ота» каби фермер хўжаликлари янада кўпайиши тайин. Зеро, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилиб, республикамиз Президентининг ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Жорий йилда ўтказилган очиқ танловлар ҳамда ёпиқ кимошди савдолари бўйича 12239 та ғолиб аниқланиб, уларга 165,7 минг гектар ер майдонлари бириктириб берилди. Шундан мева-сабзавотчилик йўналишида ютиб чиққанлар учун 54,4 минг гектар ер ажратилди. 2006 йилнинг биринчи чорагида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 113,2 миллиард сўмни ташкил этди. Ёки 2,4 фоизга ортди. Бевосита деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлашда 4,1 фоиз ўсишга эришилди. Истиқлол боис пахта яккаҳокимлигига барҳам берилганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инсон манфаатларидан келиб чиқилаётганлиги турмуш фаровонлигини, маъмурчиликни таъминлашда бош омил бўлмоқда.

Мамлакатнинг истиқболи ўсиб келаётган ёш авлодга, уларнинг билим-малакасига боғлиқ. Шу боисдан давлатимиз ёшлар тарбиясига устувор аҳамият бермоқда. Ҳурлик қуёши балқигандан буён таълим соҳасида қилинган ишларга эътибор қилинг. Шўро замонидаги пастак, пахса деворли мактаблар ўтмиш бўлиб қолди. Бу соҳада олиб борилаётган иш ҳажми тобора кенгайиб бораётир. Вилоятда 2004 ва 2005 йиллар режасига киритилган 155 та умумтаълим мактаблари учун қандай қулайликлар яратилишига назар ташлайлик. Уларга 69 комплект лингафон, 37 комплект чизмачилик синфи, 65 комплект физика лаборатория жиҳозлари, 13 комплект устахона синфи, 39 комплект химия ва биология лабораториялари жиҳозлари, 30 комплект маънавият ва маърифат хонаси жиҳозлари, 86 комплект компьютер синфи, 70 комплект спорт анжомлари, 137 комплект 1-4 синф, 209 комплект 5-9 синф парталари тақдим этилди ва ҳоказо.

Вилоятнинг ман-ман деган корхона, ташкилот ва муассасалари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мактабларга сидқидилдан оталиқ ёрдами ташкил этмоқдалар. Биз ҳам бу хайрли ишдан четда турмадик. Ўзбекистон металлургия комбинати Бекобод шаҳридаги 10-мактабни капитал таъмирдан, 1-мактабни капитал реконструкциядан чиқарди. Умумий ҳисобда бу мактаблар учун 4,9 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда болажонлар учун яратилган шарт-шароитдан ўқувчилар ҳам, отаоналар, ўқитувчилар жамоаси ҳам минг бор миннатдор. Олмалиқ кон-металлургия комбинати шаҳардаги 6-мактабда 320 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишларини олиб борди.

Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ касбий маҳорати ва синфдан ташқари олиб борган намунали ишлари учун ўқитувчиларга устама ҳақ бериш жорий этилди. Вилоятимизда бундай мураббийлар сони ҳозир 13760 нафарга етди. Улар жами педагог ходимларнинг 43 фоизини ташкил этади. Юқоридаги қарорга кўра, ўқитувчиларга мукофот бериш ва зарур ҳолларда моддий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Меҳнат қилган элда азиз дегани шу бўлса керак-да.

Соғлиқни сақлаш ишлари яқин ўтмишда қандай ташкил этилганлигини ёдга олайлик. Пастқам бинолар, нари борса ўрта касбий маълумотга эга бўлган шифокорлар, алмисоқдан қолган тиббиёт анжомлари. Бизда кўрсатилаётган шифокорлик хизмати текин деб чор-атрофга жар солардигу унинг таъминоти, шарт-шароити ночор эди. Мана бу таҳлилларга эътибор беринг. 1992 йилда ўрта тиббиёт ходимларининг мутахассислиги бўйича тоифа кўрсаткичи 23 фоиз бўлган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йилида бу кўрсаткич 55 фоизни ташкил қилди. Врачларнинг мутахассислиги бўйича тоифа кўрсаткичи ана шу йилларда 31 фоиздан 64 фоизга ошди. 2005 йилда шифокорларнинг малака ошириш кўрсаткичи 24 фоизни ташкил этди. Ўнлаб тиббиёт ходимлари Исроил ва Япония, Россия давлатларида малакаларини ошириб қайтишди. Ҳозир бу соҳада 3 нафар фан доктори, 39 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолият кўлами ҳам кенгаймоқда. Янги-янги шифохоналар қурилиб, ишга туширилаётир. Туғуруқ комплекси, юқумли касалликлар шифохонаси, қон қуйиш станцияси, эндокринология диспансери, «Кичкинтой» болалар уйи, ўсмирлар маркази, 2004 йил август ойидан бошлаб вилоят туғуруқ комплекси реанимацияси — гемостазиологик маркази иш бошлади. Амбулатория, поликлиника муассасалари сони ташкиллаштирилган ҚВПлар ҳисобига 351 тага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори вилоят ёшлари учун айни муддао бўлди. Йил сайин қишлоқларда янги-янги спорт комплекслари қад ростлаётир. Иқтисодий жиҳатдан бақувват, номдор корхоналар, янги стадионлар, сузиш ҳавзалари, маҳаллаларда спорт майдончалари қуришга ҳомийлик қилмоқдалар. Болалар, айниқса, қизларни спортга жалб этиш бўйича аниқ иш режаси ишлаб чиқилди. Қилинган ишлар самараси ўлароқ вилоят халқ таълими тизимида 33 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 1 та спорт мактаб интернати, 50 та стадион, 624 та спорт зали, 16 та сузиш ҳавзаси, 38 та теннис корти, шунингдек, 3129 та баскетбол, 994 та волейбол, 359 та қўл тўпи, 667 та футбол, 24 та енгил атлетика майдонлари ёшларга хизмат қилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармасининг вилоят бўлими тузилгач шаҳар ва қишлоқларда спортни оммалаштириш кучайди. Ана шу мақсадда янги-янги тадбирлар ўтказила бошланди. Ангрен шаҳрининг «Жигаристон» маҳалласида ташкиллаштирилган «Маҳалламиз паҳлавонлари» шиори остида ўтказилган миллий халқ ўйинлари биринчилиги, Янгийўл туманидаги «Спорт баҳори», Олмалиқ шаҳридаги «Олимпия югуриш куни» спорт мусобақаларида спорт мухлислари ва аҳоли фаол иштирок этди. Республика миқёсидаги биринчиликларда вилоят ёшлари муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Юртбошимиз вилоятимизда бўлган кезларида унинг Ўзбекистондаги ўрни ва мавқеи, ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, коммуникация тизими, улкан табиий заҳиралари ҳамда инсон ресурслари ҳақида эътибор бериб гапирадилар. Ҳақиқатан ҳам, воҳамизда юксак натижаларни қайд этиш учун барча имконият эшиклари очиб берилган. Ҳукуматимиз биз учун барча шарт-шароитни таъминлаб қўйибди. Улардан оқилона фойдаланса, ҳар қандай юксак марраларни забт этишга қодирмиз.

Энг улуғ байрамимиз яқинлашмоқда. Мустақилликнинг 15 йиллиги олдидан икки ярим миллионли Тошкент вилояти меҳнаткашлари зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, меҳнат ғайратини янада кучайтирадилар. Аҳил бўлсак, мақсад сари якдил бўлиб интилсак, белгиланган юксак марраларни забт этишимиз осонлашаверади.

Александр ФАРМОНОВ,
Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

... Тошкент вилоятининг салоҳияти ва ўзига хос имкониятлари ҳақида гапирар эканмиз, ҳақиқатан ҳам бу масканнинг мамлакатимиз тараққиёти, унинг бугунги ҳаёти ва эртанги ёрқин келажагини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканига сўзсиз ишонч ҳосил қиламиз.

Ислом КАРИМОВ

Рақамлар сўзласин

- *Тошкент вилоятининг умумий ер майдони 15,3 минг квадрат километрни ташкил этади. Бу ерда икки ярим миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда.*
- *Вилоятда 6 та шаҳар, 15 та туман ва улар қарамоғида 10 та шаҳарча, 18 та шаҳар қўрғони ва 146 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари мавжуд.*
- *Саноат тармоғи бўйича вилоят республикада энг ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Агар 2001 йилда 484,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилга бориб бу миқдор 1567,4 миллиард сўмга етди.*
- *Олмалиқдаги тоғ-металлургия, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия, Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатлари, Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси каби ўнлаб саноат корхоналари республикамизда маълум ва машҳурдир.*
- *2005 йилда 308 та саноат корхонаси ишга туширилган бўлиб, шундан 16 тасини ташкил қилишда хориж инвестицияси жалб этилди. 2001 йилда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида 270,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилда бу миқдор 634,2 миллиард сўмни ташкил этди.*
- *Аҳолининг 87 фоизи табиий газ, 94 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган.*
- *Айни пайтда 890 та мактаб, 73 та касб-ҳунар коллежи, 505 та мактабгача болалар муассасалари фаолият кўрсатиб турибди.*
- *Ўтган йили 5 та янги мактаб бунёд этилди. 39 та мактаб капитал реконструкциядан чиқарилиб 37 таси капитал ва 11 мактаб жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу йил ана шундай ишлар учун олдинги йилдагига нисбатан икки баравардан кўпроқ — 24 миллиард 414 миллион сўм ажратилган.*
- *Вилоятда 516 та кутубхона, 247 та клуб муассасалари мавжуд.*
- *2001 йили аҳолига 28,9 миллиард сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 95,8 миллиард сўмга етди.*
- *Ҳозир вилоятда жами 4020 та спорт иншооти мавжуд, унинг таркибида 50 та стадион, 629 та спорт зали, 16 та сузиш бассейни аҳолига хизмат кўрсатмоқда.*

БОБОДЕҲҚОНГА РАҲМАТ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Жиззах далалари, боғ-роғлари, полиз пайкалларида етиштирилган ноз-неъматлар пойтахтликлар дастурхонини тўкин қилиши билан бир қаторда, бозорларда нарх-наво ошиб кетишининг олдини ҳам олади, — дейди вилоят ҳокимлиги вакили Мамаражаб Эгамов. — Келтирган маҳсулотларимиз ва сифатли хизматимиз Сирғали туман аҳолисига манзур бўлаётганидан хурсандмиз.

Вилоят вакилининг маълум қилишича, жиззахликлар ярмарка мавсуми давомида пойтахт аҳолисига 400 тонна картошка, 300 тонна турли хил мевалар, 400 тонна сабзавот ва 100 тоннага яқин гўшт маҳсулотлари етказиб беришни режалаштиришган.

— Мен ярмарканинг доимий харидориман, — дейди ўзини Ҳосила Эргашева деб таништирган аёл. — Аввало, маҳсулотлар арзон ва сифатлилиги билан менга маъқул келмоқда. Сотувчилар ҳам хушмуомила, ширинсўз, аҳолига хизмат кўрсатишдан чарчашмайди.

Бундай илиқ гапларни кўплаб харидорлардан эшитдик.

— Келтирган маҳсулотларимизни тез ва нест-нобуд бўлмасдан харидор қўлига етиб боришида Сирғали туман ҳокимлиги ва бозор маъмурияти яқиндан ёрдам кўрсатаяпти, — дейди биз билан суҳбатда жиззахлик Раҳмонқул Суюнов. — Мақтанишга йўйманг-у, етиштирган қовун-тарвузларимиз қўлма-қўл бўлиб сотилиб кетмоқда. Харидорнинг битта айтган раҳмати эса, чарчоғимизни бир зумда тарқатиб юбормоқда. Биз учун муҳими, ҳам шу.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Ўтказиб юборманг

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 28 июль.
Баҳром Рўзимуҳаммад «Саёз талқин — сўз заволи»:

«Ота-боболаримиз азал-азалдан китобларни кўз қорачиғидек асрашни одат қилишган. Зотан, китоб муқаддас қадрият. Сўз — муқаддас. Ўша қадриятлар оёқ ости қилинмаслиги даркор. Шундай экан, Сўз иши учун қаламкаш ҳам, ноширлар ҳам бирдек жавобгар бўлмоғи жоиз. Қалбаки адабиёт, сохта Сўз ҳеч бир миллатга наф келтирмаган».

«Адолат» 28 июль.
Норбобо Шакаров «Ёрилмаган қозондан оққан ғавғолар»:

«Бир хил рақамли, ёзилган санаси турлича жавоб хати апелляция судида қай тарзда пайдо бўлиб қолди? Уни судга ким тақдим этган? Суд ажримида яна бир қонунбузилишига баҳо берилмаганга ўхшайди. Маълумки, меҳнат низолари юз берганда ходимни ишдан бўшатиш учун маъмурият касаба қўмитасининг розилигини олиши қонунда белгилаб қўйилган. Бошқарма раҳбарияти бу ўринда Турдиматов меҳнат қилаётган Водилдаги корхона касаба қўмитасининг эмас, бошқарма касаба қўмитасининг розилигини олган».

«Пойтахт транспорти» 28 июль.
Мансур Алиев, Норали Очилов «Меҳнатдан бахт топган аёл»:

«Дарахт бир жойда кўкаради. Халқимизнинг доно ҳикматига амал қилган М. Одилова бугун кўпдан кам бўлгани йўқ. 30 йил бир корхонада ишлаш, 20 йил муттасил масъулиятли вазифа — касаба қўмитасида раҳбар бўлиш, фаолияти давомида ўнта турли характердаги, иш услубидаги раҳбар билан ишлаш унча-мунча кишига насиб қилмайдиган бахт».

«Огоҳ» 28 июль.
Самариддин Шавқиддин «Камтарлик камолотга элтади»:

«Санъат наинки ижодкорни, балки ҳар бир инсон қалбини ўртовчи, маънавий ва руҳий оламига софлик ҳамда илиқлик бахш этгувчи бир қучдир. Унинг сеҳрию мўъжизаларидан, мислсиз жозибасию тароватидан кишининг дили яйрайди. У гоҳо кўнгилларга йўл топиб, ором тортиқ айласа, баъзан эса беихтиёр хаёлга чўмдиради».

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Саратон хасталиги дунё аҳолисини қийнаб келаётган жиддий касалликлардан бири бўлиб, ҳозир 11 миллион нафарга яқин киши бу дардга чалинган. Таассуфки, ушбу рақамнинг маълум қисмини болалар ташкил этади. Айниқса, сўнгги йилларда онкологик касаллик билан оғриган болалар сонининг ошиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур жараённинг жиддий эканлигини пайқаш мумкин. Агар юртимизда 17 минг нафар онкологик беморлар рўйхатда турган бўлса, улардан 3 фоизини болалар ташкил этади. Мамлакатимиздаги вазиятни яхшироқ билиш мақсадида Республика Онкология илмий маркази умумий ва болалар онкологияси бўлими илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирза Али ҒОФУР-ОХУНОВ билан суҳбатлашдик.

ФАРЗАНД СОҒЛИҒИ — ОТА-ОНА БАХТИ



— Домла, айтинг-чи, болаларда саратон касаллиги кўпайишига нималар сабаб бўлаётир?

— Болалар танасида тўлиқ иммунитет шакллантирмаганлиги туфайли улар тез хасталанади. Агар унда она қорнидаёқ саратон касаллиги аломатлари пайдо бўлган бўлса, бу ўта хавфлидир. Чунки чақалоқ бирон жойи оғриса, ҳеч кимга айтолмайди. Оғрикдан безовта бўлиши, йиғлаши мумкин. Ота-она сезгир бўлса-ку, яхши. Акс ҳолда, болакайнинг мурғак жисми азият чекади. Баъзан шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, гўдак кўзлари тўр пардасида ўсма билан туғилади. Бу уни келажакда ҳаётнинг бетакрор гўзаллигини кўришдек бахтдан айиради.

Ҳаётга мослашувчанлик чақалоқларда ҳали тўлиқ шакланмаганлиги туфайли саратон ҳужайралари бола танасидаги нормал тўқималарнинг озуқасини еб битиради. Оқибатда танада саратон касаллиги пайдо бўлади. Олиб борилган профилактик-текшириш ишлари натижасида шу нарса аниқ бўлдики, 22-30 фоиз беморларда қон элементларини ишлаб чиқарувчи тўқималар ўсмаси, 18-22 фоизида лимфосаркомик тўқималар ўсмаси мавжуд. Бундан ташқари, бош ва орқа мия, буйрак, суяк ўсмаси юртимизда кенг тарқалгани аниқланган.

Саратон хасталигининг 70-75 фоизи ирсий сабабларга кўра юзага келади. Яъни, она ҳомиладорлиги пайтида турли ички ва ташқи таъсирлар туфайли чақалоқларда генетик тизим бузилади. Айниқса, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган чақалоқларда турли касаллик ва нуқсонлар кўп учрайди. Хусусан, ўсма касаллиги шулар сирасига киради. Шу боис боланинг она қорнидаги ҳолатига эътибор талаб этилади. Биз, айнан мана шу соҳа вакили сифатида, аёлларимизга ҳомиладорлик пайтида рентген текширувидан ўтмасликни маслаҳат берар эдик.

— Мамлакатимизда саратон хасталигининг олдини олиш, даволаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бугун мамлакатимизда ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 100 дан ортиқ стационар марказимизнинг ҳар бирида 3-10 нафар болакайни даволаш имкони бор. Мустақиллик йилларида бу тизимдаги ишлар яхши йўлга қўйилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилдан бери онкологик хасталикка чалинган барча беморларга бепул дори-дармон воситалари ҳамда тиббий муолажа бериш жорий этилган. Бугун нафақат болалар, балки ёши катталарга ҳам бирдек муолажа қилинаётир. Шунингдек, шифохоналаримизнинг техник ва бошқа жиҳозлар билан таъминланиши қарийб 80 фоизга бажарилган.

Бевосита даволаш жараёнига тўхталадиган бўлсак, ҳозирги тиббиётда маълум бўлган барча усуллардан фойдаланаяпмиз. Масалан, нур ва кимё терапиясини кенг миқёсда ишлатаяпмиз. Бу икки усулнинг кўп қўллашимизнинг асосий сабаби бизга мурожаат қилган беморларнинг аксариятини қон билан боғлиқ ўсма ташкил этади. Ушбу касалликни эса, жарроҳлик йўли билан даволашнинг иложи йўқ. Зотан, вақтида ҳаракат қилинсагина, кўплаб кўнгилсизликларнинг олди олинади. Маълумотларга кўра, ҳозиргача бизга мурожаат қилган беморларнинг 49,7 фоизини I ва II босқичдагилар ташкил этади. Шунингдек, 50,3 фоизи III ва IV босқичлардаги беморлардан иборатлиги ҳамкасбларимиз учун оғир кечаётир. Айниқса, "ўтиб кетган" IV босқичдаги беморларни даволашда биз ожизмиз.

— Юртимизда онколог кадрлар етарлими, умуман, уларнинг савияси қай даражада?

— Кадрлар билан таъминланиш ҳақида гап борар экан, юртимиз шифохоналарининг болалар онкологларига бўлган талаби 73 фоизга таъминланганлигини айтиб ўтиш жоиз. Асосий диспансерлар тўлиқ малакали кадрларга эга. Бироқ бизни ташвишлантираётган нарса бошқа. Яъни, бирламчи бўғинларда ишлаётган мутахассисларимизнинг кўпчилиги онкологик сезгирлик масаласида анча нўноқ. Уларнинг аксарияти саратон касаллиги ҳақида муайян билимларга эга эмас. Бу эса хасталикнинг вақтида аниқланишига ва даволашга тўсқинлик қилади.

Шу нарсани қувонч билан айтиш керакки, мустақиллик йилларида онкологик кадрларни қайта тайёрлашга жиддий киришилди. Илгари болалар онкологияси бўйича магистр ва аспирантларимиз йўқ эди. Худога шукр, ҳозир бу йўналишда зарур бўлган кадрларни тайёрлаяпмиз.

— Айтинг-чи, сизни ва умуман, ҳамкасбларингизни шифокор сифатида қийнаётган муаммо нимада?

— Боя ҳам таъкидлагандик, асосий муаммомиз беморларнинг анча кеч мурожаат қилишларидир. Жуда кўп ҳолларда мана шундан азият чекамиз. Касаллик аломатлари пайдо бўлган кўплаб беморларимиз ўзларича ташхис қўйиб, шифокор кўригидан ўтмайди. Қарабсизки, бошида биринчи босқичда турган саратон кейинги босқичга ўтиб бўлади. Биз мана шунақанги масъулиятсизлик ҳисобига жабр тортамиз. Болаларимиздаги ҳар бир ўзгаришни вақтида кузатиб бориш ва малакали шифокорлар кўригидан ўтказиш хасталикнинг олдини олишда асосий омилдир. Шундагина кўз нуримиз бўлган фарзандларимиз соғлом, биз эса хотиржам бўламиз.

Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАЙРАМ НАФАСИ

Мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида халқимизнинг санъат аҳли ва адабиёт намояндалари билан учрашувлар ўтказиши анъанага айланиб бормоқда.

Тинчлик — фароғат, уруш —офат

Бундай хайрли тадбирлар одамларимизнинг онгу-шуурида истиқлол ғоялари ва она Ватан ҳақидаги тушунчаларни бойитиш билан бирга, уларнинг мароқли дам олишига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз. Адабиёт ва санъат аҳлининг мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси катта, албатта.

Бундай хайрли ишларни, табиийки, тинч, осойишта ва барқарор турмуш тарзи мавжуд бўлган юртдагина кўриш мумкин. Республикамиз мустақилликка эришгач, қўлга киритилаётган ютуқлар ва муваффақиятлар салмоғи кўпайди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, юртимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг нимага қодир эканлигини кўрсатди. Уларни оммага етказишда адабиёт ва санъат аҳлининг ўз ўрни бор. Шу боис, кейинги пайтда юртимизда нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсда ўтказилаётган тадбирлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Адабиёт аҳлининг халқ билан ана шундай учрашувларидан бири куни кеча Паркент туманидаги "Қўшчинор" истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги таниқли адиблар, шоирлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Учрашувни республика Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов очиб берди. Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Александр Файнберг, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, истеъдодли қаламкаш ва публицистлардан Сирожиддин Саййид, Минҳожиддин Мирзо, Қутлибека Раҳимбоева, Умида Абдуазимова, Ўткир Раҳмат, Аҳмаджон Мелибоев ва Шуҳрат Жабборовлар сўзга чиқишиб, йиғилиш иштирокчилари билан истиқлол ва она Ватан тўғрисидаги ўз фикрларини ўртоқлашишди ҳамда ижодларидан намуналар ўқиб беришди.

Учрашувда иштирок этган санъаткорлар Гулбаҳор Эрқулова, Ҳосила Раҳимова, Тошпўлат Маткаримовлар даврага файз киритиб, ўз қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими М. Куччиев қатнашди.

Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Исроил-Ливан: ЗИДДИЯТЛАР ИСКАНЖАСИДА

Мана, ярим ойдан ошаяптики, Исроил-Ливан чегарасидаги вазият кескинлигича қолмоқда. Воқеаларнинг ривожланиб бориши аҳволни янада чигаллаштирмоқда.

Хусусан, «Ал-Қоида» етакчиларидан бири Айман аз-Заваҳарий «Ал-Жазира» телеканали орқали чиқиш қилиб, ташкилот ҳам мазкур урушга бефарқ қараб турмаслигини, айни пайтда бир неча юзлаб кўнгиллилар Ливанни ҳимоя қилишга отланганликларини маълум қилди. Исроил матбуотининг хабарида айтилишича, «Ҳизбаллоҳ» гуруҳи Сурия томонидан замонавий қурол-яроғ билан таъминланмоқда. Ҳар икки томонга тинимсиз йўлланаётган ракета ҳужумлари биринчи галда тинч аҳоли — болалар ва аёллар ўлимига сабаб бўлмоқда.

Пайшанба куни Ливандан Исроилнинг Цфат, Тверия, Нагария, Кармиэль, Малот ва бошқа бир қатор аҳоли пунктларига 100 га яқин ракета зарбалари йўлланди. Ракеталардан бири Кирьят-Шимон шаҳридан унча узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган кимё заводига келиб тушган. Кимё заводидан чиққан заҳарли моддалар атроф-муҳитни заҳарлаши мумкин.

Ўз навбатида, Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ливаннинг 90 та объектларига авиация зарбаларини берди. Ҳозирга қадар бу ҳужумнинг оқибатлари маълум эмас.

Ливан ички ишлар вазири Аҳмад Фатфатнинг расмий билдиришича, Исроил томонидан қилинган ҳужум оқибатида 400 нафар аҳоли ҳалок бўлди, 1,5 минг нафари турли даражада жароҳатланган. Шундан 30 фоизи ёш болалардир. Ливан соғлиқни сақлаш вазири Муҳаммад Халифе ўтган 16 кунлик ҳарбий ҳаракатлар камида 600 кишининг ҳаётига зомин бўлганини тахмин қилмоқда. Унинг сўзларига қараганда, айни пайтда шифохонада 401 та жасад бор. Ҳарбий ҳаракатлар майдонида яна 150 дан 200 тагача жасадлар қолиб кетган ва уларни олиб чиқишнинг иложи бўлмаяпти.

Олдин хабар қилганимиздек, сешанба куни Хиям қишлоғида жойлашган БМТ кузатувчилари пости Исроил ракеталари нишонига айланганди. Оқибатда тўрт нафар халқаро ҳарбий кузатувчи ҳалок бўлганди. Ушбу воқеа муносабати билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши махсус баёнот қабул қилди. Унда Исроил ҳукуматини БМТ кузатув постига атайин йўлланган ҳужум сабабларини батафсил ўрганиб, ушбу воқеага ойдинлик киритишга чақирган. Бундан ташқари, Хавфсизлик Кенгаши баёнотида уруш оқибатида Исроил ва Ливаннинг тинч аҳолиси жабр кўраётгани, минтақада инқироз юзага келганлигидан кескин хавотир билдирилган.

Юнус БЎРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кетмончилар қувончи

Қумқўрғон туманининг Кетмон деб аталадиган ҳудуди дашт-адирликларда жойлашган. Қайси хонадонга қараманг, ичимлик сувни сақлайдиган идишлари бор. Сувни улар узоқлардан ташиб олиб келиб ичишган. Ташишнинг имкони бўлмай қолганда ариқ-зовур манбаларидан фойдаланишган.

Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан яқинда бу ҳудуднинг Исломобод, Шерози, Чўкирли маҳаллаларига ичимлик сув келди.

— Бу 500 дан ошиқ хонадоннинг узоғини яқин, мушкулини осон этгандай бўлди, — дейди ёш фермер Рустам Қорабоев. — Қишлоқларимизга табиий газ келтириш учун қувурларни тайёрлаб қўйдик.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий технологиянинг жорий этилиши деярли инқироз ёқасига келиб қолган. «Муштарий» ҳиссадорлик жамиятининг оёққа туриб олишида ҳал қилувчи омил бўлди.

«Муштарий» оёққа турди

Эндиликда бу ерда нозик дидли харидор талабига тўла жавоб берадиган бежирим либослар тайёрланмоқда. Кўргазмаларда фаол қатнашаётган корхонанинг буюртмалар портфели ҳам анча тўлиб қолди. Унинг асосий қисми Мудофаа, Ички ишлар вазирлиги, солиқ идораларига тегишли.

Изланишлар самараси маҳсулот тайёрлаш ҳажмлари кескин ортганида яққол кўринади. Жумладан, чеварлар жамоаси жорий йилнинг биринчи ярмида 785 миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли моллари тайёрлаб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123,3 фоиз ўсишга эришдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

СИЗГА,
менга тезлиги жуда юқори оқ-қора лазер принтери керак
ҲАМКОР
HP LaserJet 1320 оқ-қора принтери уйда фойдаланиш билан бирга, тадбиркорликда ҳам қўллашга жуда ярайди. Бизнинг бизнес-ҳамкоримиздан бу принтер ҳақида сўранг.



Товар сертификатланган

HP LASERJET 1320
- Бир дақиқада 21 саҳифа босиб чиқариш, биринчи саҳифа 8 секундга етмай чиқади;
- HP PCL 6, HP PCL 5e воситаси билан офисдаги барча жиҳозларни қўллайди; HP Postscript 2 даражасини эмуляция қилади
- Киришдаги лоток сиғими: стандарт ҳажмдаги 250 дона қоғоз, опционал ҳолатда 500 тагача
- Хотира 16МБ, опционал ҳолатда144 МБгача.
- Интерфейс боғланиши, параллел порт, опционал ташқи босиш сервери HP Jetdirect
- Икки томонлама автоматик босиб чиқариш.

ЎЗ HP ҲАМКОРИНГИЗНИ ТАНЛАНГ
AGATA Impex
Қўнғироқ қилинг: 133-05-00
2006 Preferred Partner
©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган
турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри қайкали, эски қайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Нодир Қаландаровга падари бузруквори
КАМОЛ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг муовини Фозил Икромовга ўғли
БОБУРнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедраси мудири, ю.ф.д. Гулчеҳра Маткаримовага отаси
Абдусамат НИШОНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари кафедрасининг ассистенти Шавкат Дадашевга волидаи муҳтарамаси
АҚИДА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ПЕШОНАСИ ЯРҚИРОҚ ШОИР

Ижодий муҳит яратаётганлар

60-йилларда «Шарқ юлдузи» журналида Сами Абдуқаҳҳорнинг «Оқ йўл»и билан ёшгина шоир йигитнинг туркум шеърлари чоп этилади. Ўшанда мазкур шеърларни ўқиган академик шоир Ғафур Ғулом муаллифни излаб топиб, шундай деган экан:

— Ўзинг кетмон сопидай бўлсанг ҳам ашуланг катта экан. Астойдил бўл, кўламни кенгроқ ол. Сенда интимлик кучли. Интимлик ширин нарса, лекин унутмагинки, ҳаётнинг аччиқлари ҳам кўп.

Устоз назарида кетмон сопидай кўринган ўша йигит бугун адабиёт аҳли орасида Охунжон Ҳакимов номи билан маълум ва машҳур. Унинг «Илҳом водийси», «Баҳор экан-да», «Лирика», «Кўзларингнинг ўзи қора», «Қизлар хаёл сурсалар» каби шеърий тўпламлари, «Малаклар сурати» ва «Дунё, дунё» деб номланган сайланмалари, республикамизнинг қатор театрларида намойиш этилаётган «Қўш кабутар», «Бу чоллар ёмон чоллар», «Хўроз», «Баҳироқ туянинг тушлари» каби комедиялари ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга. Шоирнинг қатор шеъру ғазаллари жозибадор қўшиқларга айланиб кетган. Баъзилари ҳатто хорижий тилларда ҳам жаранглаб турибди. Таржимонлик фаолияти ҳам чакки эмас. Айни шу кунларда «Олам ғалат, одам ғалат» номли насрий асари нашрга тайёрланмоқда.

Охунжон ака кўп йиллар «Фарғона ҳақиқати» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида меҳнат қилди. Зеро, ижодкор ана шу газеталарда ишлаш жараёнида турли тақдирлар ва қисматлар билан учрашди. Журналист сифатида ҳам юртга танилди.

— Одам боласига ҳар қандай қобилияту истеъдодни Оллоҳ беради,— дейди ижодкор биз билан суҳбатда, — ижодий муҳит эса уни юзага чиқаради. Бугун ўйлаб қарасам, раҳматли Ғафур аканинг ўша икки оғиз гапи ҳам ўз вақтида мен учун ижодий муҳит вазифасини ўтаган экан. Миртемир, Шухрат, Собир Абдулла, Туроб Тўла каби устозлар ҳам худди шу тариқа кўп ёрдам беришган. Ёзган нарсамизни қўлтиқлаб уйларига бемалол боравердик. Дарров кўздан кечириб, маслаҳат беришарди. Бирор марта вақтим йўқ дейишмаган экан-а. Улар бошимни силаган соябонларим эди. Айниқса, Мақсуд Қориевдан ҳар томонлама марҳаматлар кўрганман. Унга қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам оз. Газета иши билан банд бўлиб, ижодингни сусайтириб юборма, деб уқтиргани уқтирган эди. Биласиз, илҳом дегани рухсат сўраб келмайди. Бир куни бирданига шеър ёзгим келиб қолди. Хонада уч нафар ходим ўтирамиз. Уларни безовта қилмай, менга ҳалақит беришмасин деган ўйда секингина хонадан чиқиб, йўлакнинг охирроғига бориб, дераза рахига суяниб турувдим, орқа томондан Мақсуд аканинг овози эшитилди:

— Шоир, нима қилиб турибсан бу ерда? Кўринишингдан шеър ёзмоқчисан шекилли?

Азбаройи довдираганимдан нима дейишни билмай, «ҳа» деган маънода бош силкидим. У эса мени юқорига мажлисга чақиришибди, икки соатларда қайтсам керак, унгача хонамга кириб шеърингни ёзиб ўтиравер, деганча ташқарига йўналди.

— Устозлардан кўрган ана шу меҳрни бугун шогирдларга қай тариқа сарфлаяпсиз?

— Пенсияга чиққанимдан сўнг ўзим туғилиб ўсган Аввал қишлоғида яшаяпман. Бир оёғим ҳамон Фарғона шаҳрида. Бирор кун кўринмай қолсам, Энахон (Энахон Сиддиқова, республика ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими масъул котиби) дарров йўқлаб қидиртиради. Уюшмада ёшлар ижоди билан танишиб, керакли йўл-йўриқлар кўрсатаман. Давра суҳбатлари ва учрашувларга бирга олиб бораман. Шеър ва ҳикояларининг газета-журналларда ёритилишига ёрдамлашаман. Хулласи, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман. Кўпинча ёшлар ўзлари келишади, ҳовлимга. Боғда ўтириб гурунглашамиз. Ёзганларидан ўқиб беришади. Улардан бўшадим дегунча, ёзувчи Алишер Ибодиновнинг суҳбатини олгим келади. Тафаккури, дунёқараши кенг, ажойиб ижодкор. Китобларини ўқисангиз ҳам, ўзи билан гаплашсангиз ҳам маза топасиз.

Меҳнатга меҳр қўйган одам пенсияда ҳам тек ўтиролмас экан. Камтаргина, камсуқумгина Охунжон аканинг ҳаёти буни яққол исботлаб турибди. «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондорининг биргина армони бор. У ҳам бўлса мустақиллик даврида анча кексайиб қолганлиги. Қатор қиссаларида мустақиллик йиллари қаҳрамонлари образларини акс эттиришига қарамасдан, сал эртароқ туғилиб, сал эртароқ кексайдим, чоғи деб кўяди. Яна унинг фикрича, бугунги ёшлар ўткинчи қийинчиликлардан нолимасдан, қадамидан ўт чақнаб ўқиши ва ишлаши шарт.

— Ҳар бир вилоятнинг ўз ижодий муҳити бор, бу муҳитни ўша ерда яшаб, ижод қилаётган шахслар яратишади. Гарчи, Охунжон Ҳакимов шеърлари бутун Ўзбекистонда машҳур эсада, кўз ўнгимизда, у биринчи навбатда, Фарғона шоири сифатида намоён бўлаверади. Зеро, устозлар сулоласининг кейинги вакилларидан бўлган Охунжон ака вилоят ёш қаламкашларининг жонкуяр мураббийси, ўз ижоди билан намуна кўрсатиб келаётган сарбон тимсолида катта эътибор топиб келмоқда. Охунжон ака ўзбек адабиётининг жонбози, Фарғона адабиётининг қиёфасидир.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг ушбу эътирофига изоҳни ортиқча деб билдик.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Охунжон Ҳакимов (ўртада) ҳамкасблари Алишер Ибодинов ва Тиловолди Жўраев билан.

Айни дамларда юртимиздаги ёзги оромгоҳлар бағрида болажонлар зўр кайфият билан ҳордиқ чиқармоқдалар. Тоғлар бағрининг гўзал табиати уларнинг шўх-шодон қийқириқлари билан янада гўзалроқ кўринмоқда. Бунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

«Камолот» оромгоҳларда

Бир неча йиллардан буён ушбу ташкилот томонидан ёзги мавсумда болажонларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида "Ёзни «Камолот» билан" лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

— Мавсум олдидан Тошкент вилоятидаги учта оромгоҳда "Камолот куни" тадбирларини ўтказиш режалаштирилган эди, — дейди Чилонзор туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Камалак" болалар ташкилоти раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли "Фазогир" оромгоҳида бўлдик. Белгиланган дастуримиз асосида куннинг иккинчи ярмигача спорт майдонларида мусобақалар давом этди. Тушдан сўнг ўтказилган "Нима? Қачон? Қаерда?", "Қувноқ стартлар" каби қизиқарли ўйинлар болажонларга бир олам қувонч улашди.

Тадбир сўнгида мусобақа ғолибларига совғалар топширилди. "Чилонзор" ашула ва рақс дастаси ҳамда "Афсона" гуруҳи томонидан қўшиқлар ижро этилди.

Ўз мухбиримиз.

Қишлоқ аёли

Ўсмалар маҳталдир ариқ лабида,
Сурмалар, хинолар бариси хаёл.
Тақдир байтин битар ернинг кафтига
Кетмон чопаётган қишлоқлик аёл.

Сабрдан яралган қирқ битта жоним —
Эгилса қад ростлар ниш урган ниҳол.
Элга ризқ улашар Момодеҳқоним
Кетмон чопаётган қишлоқлик аёл.

Эгатдан эгатга шукр деб ўтар,
Меҳнатдан топгани сутдайин ҳалол.
Боласига илм тахтини сўрар,
Кетмон чопаётган қишлоқлик аёл.

Раис мақтаб кетар, шоир шеър ўқир,
Ҳеч кимса шаънига юқтирмайди гард.
Аёлга олқишдан муҳимроқ, ахир,
Қўлидан кетмонни оладиган мард...

Зарифа ЭРАЛИЕВА.



GURUNG

Яқинда телевизорда сувнинг эслаб қолиш фазилати борлиги ҳақида кўрсатув намойиш этилди. Нобель мукофотига сазовор бўлган олимларнинг илмий изланишлари тўғрисида тайёрланган ушбу кўрсатувнинг асосий мазмуни қуйидагича: тадқиқотчилар томонидан тоза, бир хил сувга турлича ташқи таъсир ўтказилган.

Сувга... ёмонлик қилма!

Масалан, ҳар хил мусиқа, шовқин, ранг, ёруғлик ва ҳоказо. Таъсирлар турлича даво-мийликда ўтказилгандан сўнг сув бир хил шароитда музлатилган. Натижада бир тоифадаги сув бир-бирига ўхшамаган кристаллар ҳосил қилгани аниқланган.

Албатта, шароит, ташқи муҳит (ҳарорат, намлик, босим) ўзгариши билан кристалланиш жараёнининг бошқачароқ кечиши фанда маълум. Аммо сувнинг ҳаётимизда ҳар доим бўладиган воқеалар, шовқин-суронлар, мусиқалар билан боғлиқ эканлиги ва шу асосда таъсирланиши мумкинлиги ақл бовар қилмайдиган мўъжиза. Наҳотки, сув ярим ўтказгичлар сингари ахборотларни саралайди, эслаб қолади ва таъсирланади, жараёнга акс таъсир кўрсата олади?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Илгари аждодларимиз «Тушингни сувга айт», «Сувга тупурма, супурма» деб кўп гапиришар эди. Бу қандай хислатки, Аллоҳ яратган табиат ва сувнинг ўзига яраша ҳимояланиш ва таъсирланиш каби қонуниятга асосланган кучи бор?! Муз кристалларининг кўп хилини табиатни кузатганда кўрганмиз ва бу жараён шундай бўлиши керак-да, деб хулоса қилганмиз.

Энди сувнинг тузилиши ҳақида фанда маълум жиҳатларни биргаликда эслайлик. Сув иккита водород ва битта кислороддан иборат. Иккала водород атомининг кислород билан боғланишидан ҳосил бўлган бурчак ҳарорат таъсирида ўзгариб туради: музлаганда тораяди, иситилганда кенгаяди. Кимёгарлар фикрича: бирикма қанчалик оддий бўлса, унинг устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, молекуланинг таъсирланиш доирасини аниқлаш шунча осон. Аммо оддий сувнинг бу қадар кўп хислатлари ва хусусиятлари борлигидан илк бора воқиф бўляпмиз.

Энди сувнинг "эслаб қолиши" хислатига эътибор берсак. Атрофимизда бўлаётган воқеалар, шовқин-суронлар, тебранишлар алоҳида частота билан тарқалади ва сувга таъсир кўрсатади. Инсонга сезиладиган энергетик (фотонлар) таъсир натижасида сув қизиши ёки совиши, ранги ўзгариши мумкин.

Инсон организмининг 80 фоизини, мевасабзавот ва полиз экинларининг 90-97 фоизини сув ташкил қилади. Модда, аралашмалар, қотишмалар ичида қандай бирикма кўп бўлса, уни бажариши лозим бўлган функцияси кўпроқ бўлиши ҳаммамизга аён. Демак, сувнинг инсон организмини бошқарувчи энг катта ҳажмга эга бўлган ягона табиий бирикма деб айтиш мумкин.

Шундай экан, биз ҳаётимизда уни ўз соғлигимизни яхшилаш мақсадида ишлатишимиз ва уни бошқаришимиз зарур. Тушингизни сувга айтганингизда, у кўз билан берилган ёки сўз билан айтилган тебраниш частоталарини ютади ва олиб кетади, биз эса енгил тортгандай бўламиз, ташвишдан халос бўлгандай ҳис қиламиз.

Бу сувнинг ҳаётбахш ва шифобахшлигининг яна бир далолати.

Исомиддин АБДИРАИМОВ,
техника фанлари номзоди.

Ён дафтардаги битиклар

Сўз — томчи. Томдими, ёйилиб кетади!

* * *

Бугун ёнимда дўстим ўтирибди. Эртанги душманим билан суҳбат қураётган бўлсам не ажаб?!

* * *

Аср-асрлар оша тўғри ўқни эгри ёйга солиб отадилар.

* * *

Бошга чопаверманг. Шарқ табобатчилари бош оғриса, аввал товонни даволаганлар.

* * *

Тарих — донишманд ота. У фарзандларини муносиб яшашга, қадир ҳаёт кечиришга ўргатади.

* * *

Бир қушбон: «Мен қушларни тарбиялаяпман», — деди. Мен эса қуш тилида: «Қанот ёздирмайдиган тарбияга-ю тарбиячига лаънат бўлсин!», — дедим.

* * *

«Хотиним — олтин!», — деди менга бир кимса. «Хушёр бўл, оловда олтин ҳам эрийди!», — дедим унга.

* * *

Ҳаммомдан оқиб чиққан оқава ҳам ўзини тоза сув санармиш.

* * *

Тил туккани қўл билан ечилмас.

* * *

Донни кўриб, тузоғини кўрмаган қушлардан бир умр ҳайратга тушиб келаяпман.

Азим СУЮН.



Дунё ўзи қизиқ-да, инсон ёши ўтиб, улғайгани сайин олис болалиги, ўша беғаму беташвиш онларини қўмсайверади. Ҳаётнинг қанча синовлари, умрнинг не-не андуҳларини бошидан ўтказганига қарамай, болаликни ёдга олганда қалбан яна мурғакка айланади...

Қаранг, 101 ёшни қаршилаган Бахмал тумани Кўкжар қишлоғилик Ўрозгул момо Мамаримова ҳам айни дамда неваралари кўзида чақнаб турган беғубор орзую тилакларга қўшилиб кетгандек гўё. Неча-неча йиллар аввалги андуҳлару, меҳнат ва машаққатлар сабаб нигоҳларида зоҳир бўлган қатъият ўрнини ажиб шодонлик эгаллабди. Шу боис у ҳар гал жажжиларни кўрса, руҳи енгил тортиб, худди улар каби осмон қадар парвоз этади...

СУРАТДА: Ўрозгул момо неваралари Зафар ва Турсуной билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҚЎШИҚЧИнинг касби НИМА?

Хазил-пайров

«Нима бало, девонамисиз, қўшиқчининг касби қўшиқ айтиш-да» дегувчилар кўплигини биламан. Очиғи, ўзим ҳам шундай деб юрардим. Аммо кейинги пайтда уларнинг телевизордаги ҳаракатлари, радиодаги гапларини эшитавериб, фикрим ўзгарди.

Битта йигит бор. Ашуласида **«Юрагимда шу орзулар, юрагимда шу оқшомлар, юрагимда шу ёмғирлар»** деб 16 марта айтди. Менимча, у бошланғич синф ўқитувчиси бўлса керак. Чунки такрорлаш фақат муаллимларга хос-да.

Дилдора Ниёзова эса маҳаллага биби ҳалифа бўлган-ов. Ишонмайсизми? Қайси маҳалладаги ошхонага борманг, унинг **«Ваъда берган акаларингга ишонма»** деган ашуласини тарбиявий соат маърузаси ўрнида қўйишгани-қўйишган. Шундан буён Самарқандда қизлар ёши каттароқ эркакларга ўта синовчан қарайдиган бўлишди.

Эшитишимча, Манзура модельерликка ўтиб кетганмиш. Бўлмаса:

«Замонавий ман бўламан,
Бурама кўйлак кияман.
Минг азобларга соламан,
Пошналарни тақиллатиб ўтаман» дермиди?

Даврон Эргашев аслида рус тили ўрганиш марказида директор. Яқинда унинг «Слушай мени, жонгинам» деган қўшиғини ўзим эшитдим.

«Короче, я не понимаю,
Мени севасанми, азизим».

Яна:

«Ухлавотти Марио,
Дам овотти Марио,
Манимча бу Марио,
Жаҳлимни билади-ё»

деган ашуласидан сездимки, у русларга ўзбек шевашунослигидан ҳам дарс бераркан.

Қўшиқчи йигитларнинг аксарияти ўт ўчириш идорасига ишга ўтишган. У ерда мазза-да! Бир смена ишлаб икки кун тўй-ҳашамда хизмат қилади. Ашулаларидан ҳам тутун ёки кулнинг ҳиди келади. **«Куйдим сенинг ишқингда», «Куйдим ишқинг сахросида», «Юрагим куйди, нетай?», «Юрак ёнса нетайин».**

Яна битта қўшиқчи аёл, назаримда, адвокат маслаҳатхонаси очиб олган. Қиз билан онанинг ўртасига тушиб:

«Қизингизни уришманг, эна,
Бир йигитни севиб қолган у
У ажойиб гўзал, дилдора,
Жиноятмас, севги зўр туйғу»

дегани-деган. Хизматига пул олса керак-да, тушмагур.

Улуғбек Отажонов кичиклигида анча шўх бола бўлганга ўхшайди. Жўралари билан уришиб, роса калтак еганми дейман. Дарди зўрлигидан девор-у дарахтларни қучоқлаб ашула айтади. Уни бирорта дурустроқ дўхтирга кўрсатиш кераг-ов.

Илгари «Адресное бюро» деган идора бўларди. Нима учундир кейинги пайтда унинг номи чиқмай қолди. Қаердалигини ҳам билмаймиз. Шунинг учун жабрланган ошиқ ашулачилар «Ёрим қайда?» деб тингловчини безор қилиб ташлашди.

Кеча бир аёл хонанданинг янги ашуласини эшитиб қолдим:

Сенсиз юрагим ёлғиз,
Осмон, фалагим ёлғиз.

Ё тавба! Дуч келган матнни қўшиқ қилиб айтаверишаркан-да-а? Хўш, ўша йигити ёнига келди ҳам дейлик. Нима, қизнинг юраги жуфт, осмони иккита бўлиб қоладими? Демоқчиманки, мактабда астрономия ва биологияни яхши ўқимаган.



Рассом С. САЛОХИДДИНОВ

Озодбек Назарбеков эса тиббиёт институтига ўқишга кирибди. Лор — қулоқ, бурун, томоқ касаллиги бўйича ўқияпти. Шу сабабли битта қизнинг тишланган қулоғини даволаш билан овора. Ишқилиб, бурни тешилган ҳинд қизларини даволашга ўтиб кетмаса бўлгани.

Бир куни денг, тиланчи лўли роса ёқамдан олди-я!

— Манга қара, сан «лўлиларнинг хотини эрини боқади, эри уйда оёғини кўтариб ётади» деб масхара қиласан. Ўзбеклардаям шунақаси бор экан-ку-а!

— Йўғ-ей?!

— Ҳа-да! Мана, Ирода Қурбонова деган ашулачиларинг:

«Ёрим бекордан бекор
Ёз келса гуллар экар.
Узоқларга йўл олиб,
Кўздан ёшларим тўкар»

деганини мана шу қора қулоғим билан эшитдим. Мен билган ўзбек эркаклари гулни баҳорда экишарди, Ирода айтган йигит ёзда экар экан. Бир балоси бўлса керак-да, бачам.

Очиғи, ашулани эшитгач, лўли аёлга ҳеч нима дея олмадим.

Айтгандай, Сардор Раҳимхонни Самарқандга таклиф этмоқчиман. Битта қизни шунчаям эркалатадими-а!

«Яна бир сен каби жонон
борлигига ишонмайман,
Сенингдек сўзлари доно
борлигига ишонмайман»

Самарқандлик талабалар ичига қўйиб юбораман. Бири-биридан ўтадиган барнолар даврасида ўтириб кўрсин. Кўзи «ярқ» этиб очилсин. Нафақат ишонади, нақ карахт бўп қолади-я! Ўзи билан Масрур Усмоновни ҳам олиб келса яхши бўларди. **«Ёғаётган ёмғир ё қорми?»** дейишига қараганда, кўзининг мазаси йўқ. Бизда зўр окулистлар бор. Бепул кўрсатиб олардик.

Самарқандликлар яхши танийдиган Султонпошша Ўдаева негадир жимиб кетди. Худо сақласин-у, бирорта илон чақиб олдими... **«Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганинг қани?»** деб чақиравергандан кейин, тилсиз бўлса-да, у жонзотнинг ҳам жаҳли чиқади-да ахир.

Баъзи хонандаларнинг эса ихтирочиси кўпайиб кетдимикан, дейман. Ўзларича фол очадимией, башорат қиладими-ей — тушунолмайман. Кеча денг, радиода майингина йигит овози янгради. Янги қўшиқ экан:

Қошларингнинг қаролиги
ўсмадандир,
Кўзларингнинг шаҳолиги
сурмадандир...

Исроилда ўсма деган гап йўқ. Арабларда ҳам унча русум эмас. Аммо ҳаммасининг қоши қора. Майлику-я, қўшиқдаги гап рост бўлса, япон-у корейслар аллақачон сурма суриб, кўзини катта қилиб олармиди. Билмадим-у, лекин бунақа башоратлар эрта, бир кун ҳаммани овора қилмаса. Ёки сурма сурмаса ўзбек қизларининг ҳам кўзлари қисилиб қолармикин-а?

Ана шунақа гаплар. Қўшиқчининг касбиниям, ҳунариниям, юрагиниям билиш қийин. Яхшиси, кўнгилга маъқул ашуласини эшитиб, жимгина ўтираверайлик. Нима дедингиз?!

Фармон ТОШЕВ.
Самарқанд шаҳри.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.00 12345